

Ishonch

2019 йил 5 март • сешанба • № 31 (4160)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Кун иқтибоси

Мамлакатимизда ўз ишига инновацион ёндашадиган тадбиркорларнинг янги авлоди пайдо бўлмоқда. Уларнинг сафини кенгайтириш, доимо қўл-қувватлашимиз лозим.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



Наманган вилояти

Ишончга йўғрилган орзулар ушалмоқда

Президентимизнинг Наманган вилоятига бу галги ташрифи мазмун-моҳиятан йилларга татиғулик бўлди. Ривожланиш учун, яхши яшаш учун, муносиб ҳаётга замин тайёрлаш учун янги режалар тузилди, аниқ марралар белгиланди. Тақдим этилган лойиҳаларнинг айримлари аллақачон муваффақиятли фаолиятни бошлаган бўлса, айримлари Президент Шавкат Мирзиёев ва халқ эътиборига ҳавола этилди, янги қирралар билан бойитилди. Энг муҳими, халқ қалбида ишонч янада мустаҳкамланди. Буни кўпчиликини тўлқинлантираётган сўзлардан ҳам англаса бўлади.

Президентимиз ташриф буюрган ҳар бир маскан ҳақида қизиқиб кузатдим, — дейди Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари қасаба уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши раиси Гулчехра Казакбаева. — Айниқса, бизнинг тармоққа аъзо «Golden Egg of Namangan», «Art Soft Tex» каби корхоналар фаолияти билан яқиндан танишганлари мен учун жуда аҳамиятли бўлди. Чунки ташриф давомида берилган тавсиялар корхона янада ривожланишга йўллайди. Табиийки, бундан ҳар бир ходим манфаат кўради.

2>



Президент ташрифидан сўнг...

КУН НАФАСИ



Давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат спорт иншоотларини қуриш ва фойдаланиш учун ер 30 йил муддатга бепул берилди.

«Хўкўқий ахборот» канали

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 3 март куни Болгария миллий байрами — Озодлик куни билан Президент Румен Радевни табриклади.

Президент матбуот хизмати

Халқаро хотин-қизлар куни байрами муносабати билан юртимизда илк марта «Нафосат — 2019» аёллар спартакиадаси ташкил этилди.

xabar.uz

Бангкокда ўтказилаётган Осиё олимпия кенгашининг ассамблеясида Ўзбекистон МОҚ президенти Умид Аҳмаджонов МОҚ вице-президентлигига тайинланди.

МОҚ матбуот хизмати

Ўзбекистонда бир кунлик ёлланиб ишловчилар учун «Job safe» мобил иловаси яратилди. Иловани мобил телефонига юклаб олган иш берувчи иш жойидан туриб ишчини топиб, телефон орқали боғланади.

xabar.uz

Малайзия энергетика миллий университети (Universiti Tenaga Nasional) бир гуруҳ талабалари ва профессор-ўқитувчилари қисқа муддатли стажировка ўташ учун Тошкент молия институтига келишди.

Тошкент молия институти матбуот хизмати

Зулфиқор Мусоқовнинг «Берлин-Оққўрғон» фильми Россия киноакадемиясининг «Ника» мукофотига номзодлар руйхатига киритилди.

xabar.uz

Жорий йилнинг 24-31 март кунлари пойтахтимизда ҳамдўстлик давлатлари шифокорларининг футбол жамоалари ўртасида Тошкент халқаро турнири ўтказилди.

uza.uz

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари Рашид Раҳматов Наманган вилоятига прокурор этиб тайинланди.

kun.uz

Наманганда бўлажак ихтирочилар ўртасида «Келажак сари инновацион технологиялар билан!» фестивал-танлови ўтказилди.

dayo.uz

Сурхондарё вилояти Узун тумани Боғдара қишлоғида ўзбек-тожик халқларини боғловчи яна бир ўтказиш пункти — «Боботот» чегара божхона пункти ишга тушди.

Давлат божхона қўмитаси матбуот хизмати

Жорий йилнинг 5 март куни Алишер Навоий номидаги Давлат Академик катта театрида «Milliy TV» телеканали томонидан «O'zbekim ayoli» Миллий мукофоти тақдимиот маросими ташкил этилди.

«Milliy TV» телеканали матбуот хизмати

Ўзбекистонда педагоглар иш берувчининг бюджет маблағлари ҳисобидан тиббий кўриқдан ўтказилади.

kun.uz

2019 йилнинг 5-6 март кунлари инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Сардор Умурзоқов бошчилигидаги делегация Будапешт шаҳрида бўладиган Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Венгрия ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.

ТИВ матбуот хизмати

Беларусь давлат информатика ва радиоэлектроника университети декани ТАТУ ректори маслаҳатчиси этиб тайинланди.

АКТ вазирлиги матбуот хизмати

Таълим муассасаларида юқсак ютуқларга эришган битирувчилар маблаглари ҳисобидан махсус жамғарма ташкил этилади.

kun.uz

ishonch.uz: «Матбуот бонг уради!»

Ishonch Доверие

Матбуот бонг уради

Халқ сўзи

СОХТА ТАДБИРКОРЛИК ВА ЯРАДОР ЗАМИН ёхуд Чирчиқ дарёсининг кечаги ҳамда бугунги аҳволи ҳусусида

Oila va mijmat

202 730 СЎМ БИЗГА ОФИРЛИК ҚИЛАДИМИ? Давлат тест маркази директори Маждид Каримов барча саволларга ойдинлик киритди

Вихорнома

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ

ANDIJONNOMA

ЎЗИ ХОН, КЎЛАНКАСИ МАЙДОНМИ?

ОМОНАТГА... ХИЁНАТ

NURONIY

ДАВВАТ ЭМАС, ШАРОИТ МУХИМ

Чуқур таҳлилий ва кескин танқидий руҳда

Йиғилиш

Бугунги давр ўзига хос шиддат билан кечмоқда. Мамлакатимизда юз бераётган ислохотлар жараёни, барча соҳалардаги янгиланишлар қасаба уюшмалари соҳаси ходимлари олдига ҳам ечимини кўтаётган бири-бирдан долзарб масалаларни кўндаланг қўймоқда.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг навбатдаги йиғилиши айнан долзарб масалаларнинг нечоғли ҳал этилаётгани, тармоқ ва ҳудудларда олиб борилаётган ишларнинг жиддий таҳлили ва муҳокамасига бағишланди.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиков бошқарган мазкур йиғилишда дастлаб жамоа келишувлари ва шартномаларининг 2018 йилги якуни кўриб чиқилди. Олиб борилаётган ишларнинг аҳволи ўрганилганда эришилган бир қанча ютуқлар билан бир қаторда Кимё ва фармацевтика sanoati, Авиация, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқлари, Фарғона, Навоий, Наманган, Са-

марқанд ва Хоразм вилоятларида юридик шахсларнинг 2018 йил якуни бўйича жамоа келишувлари ва шартномаларининг бажарилишини муҳокама қилиш ишларида сусткашликка йўл қўйилаётгани танқид қилинди.

Бир қатор тармоқларнинг бу борадаги ишлари таҳлил қилиниб, тегишли кўрсатмалар берилди. Бу йўналишдаги ишларнинг 1 апрелгача якунланиши бўйича келишиб олинди.

БАРЧАСИ БОШЛАНГИЧДАН БОШЛАНДИ

Маълумки, бошланғич ташкилотлар қасаба уюшмаларининг пойдеворидир. Бироқ бугунги таҳлиллар шундан далолат берадики, бошланғич қасаба уюшмалари фаолиятига ҳамма жойда ҳам

етарли эътибор берилмаётир. Федерация раиси бу борада кўрилган чоралар, «Бошланғич ташкилот куни» жорий этилганига қарамай, ишларнинг ҳозирги аҳволи қониқарли эмаслигини қатъий кўрсатиб ўтди.

Жумладан, Агросаноат мажмуи ва Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ходимлари қасаба уюшмалари Республика кенгашиларининг фаолияти танқид қилинди.

Бошланғич қасаба уюшмаларига амалий ва сифатли кўмак кўрсатиш, улардаги мавжуд муаммоларни аниқлаб, ҳал этишга яқиндан ёрдам бериш устувор вазифамиз бўлиб қолиши зарур, — деди Қ. Рафиков ўз сўзида. — Хусусан, бошланғич ташкилотлар учун услубий қўлланмалар тайёрлаш, бошланғич қасаба уюшма кўмиталари раислари малакасини доимий равишда ошириб бориш, ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини шакллантирибгина юқори натижа ва самарага кўз тикиш мумкин.

2>

Саҳифаларда Саҳифаларда Саҳифаларда Саҳифаларда Саҳифаларда Саҳифаларда Саҳифаларда

Олтин ўлка «Йўлдаги ўйлар» туркумидан (Давоми. Боши ўтган сонларда) ХОНБАНДИ ШАҲАРЧАСИ

Хонбанди табиатан кўркам маконда жойлашган. Тепада тоғлар... Қуйида тоғлар... Улар аро водий ястанган. Хонбандига сув Богдон тоғлари (Нурота тизмалари)дан, жилға, ирмоқ, сойлардан куйилган. Шунга бу ерда ҳаёт минг-минг йиллар ўнжа ҳам қайнаган.

Хонбанди сув омбори тўғони ўша қайноқ ҳаётдан ёрқин хотира. Хонбанди эгаидаги қабр тошлари яна бир хотира. Вақт силсиласида мазорлар ерга синиб кетган. Қабр бошига қуйилган мрамрлар оддий тошларга айланган. Улардаги ёзувлар чумоли изи ҳолатда учган. Деярли билинмайди.

Хоразм вилояти

Очиқ осмон остидаги музей шаҳар Сайёҳларни қандай мўъжизалар кутмоқда?

Маданият вазирлиги томонидан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун Хоразм вилоятига икки кунлик пресс-тур ташкил қилинди. ОАВ вакиллари қадимий қалъа, музейлар фаолиятини янада яхшилаш борасида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан таништириш, экскурсоводлар, илмий ходимлар билан мулоқотларини уюштириш мақсад қилинган ушбу тадбир таассуротларга бой бўлди.

Қулоғингиз том битганми? ёхуд кичик техниканинг катта таҳдиди

Чилонзор туманининг Байналмиллал кўчасида ўзига хос пиёдалар ўтиш йўлаги бор. Ўзига хослиги шундаки, йўлак бошида озоҳлантيرувчи сўзлар ёзилган: «Қулақчинни еч», «Хавфсизликни текшир» ва «Телефондан диққатни ол».

Чуқур таҳлилий ва кескин танқидий руҳда

Бошланғич ташилотларни тизимда кечаётган янгиликлар билан янада яқин таништириш, улардаги муаммо ва камчиликларни тезкор бартараф этиш мақсадида Федерация Кенгаши томонидан телеграм-бот ташкил этиладиган бўлди. Илгор бошланғич ташилотларнинг тажрибаларини кенг тарғиб этиш ҳам мазкур жараёнда муҳим аҳамиятга эга. Бунда, айниқса, оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш зарурлиги ургун берилди. Ҳукув марказига ҳам бошланғичлар раислари малакасини оширишни тақомиллаштириш юзасидан топшириқ берилди.

ЁЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАВСУМИ ЯҚИН

Ўлкамизга баҳор кириб келди. Таълим муассасаларида ёзги таътиллари бошланишига ҳам ҳеч қанча вақт қолгани йўқ. Ҳўш, биз ўтган йиллар тажрибасидан келиб чиқиб ёзги соғломлаштириш мавсумига нечоғли тайёргарлик кўрмоқдамиз? Жорий йилда бу борада қандай янгиликлар бўлади? Оромгоҳларнинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинмоқдами? Уларни мавсумга тайёрлашда муқаддам йўл қўйилган хато ва камчиликлар тақдорланмайдими?

Бу борадаги тегишли ахборотлар тингланиб, мутасаддиларга мавсумга жиддий тайёргарлик кўриш, бу бўйича ҳукумати йиғилишини тайёрлаш, ҳолатлардаги оромгоҳларнинг бошқа ҳудудлардаги оромгоҳларни ўрганиш жараёнини ҳам тезлаштириш зарурлиги қайд этилди.

Хусусан, Наманган, Андижон, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд вилоятларида болалар оромгоҳларини ёзги мавсумга тайёрлаш борасидаги ишлар муҳокама этилди. Республиканинг бошқа ҳудудларидаги оромгоҳларни ўрганиш жараёнини ҳам тезлаштириш зарурлиги қайд этилди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида оммавий спортнинг инсон ва соғлиқ ҳаётидаги муҳим аҳамияти, унинг жисмоний ва маънавий саломатлик асоси эканини тарғиб-ташвиқ қилиш борасида муҳим ва долзарб вазифалар турибди. Бу жараёнда қанча уюшмалари фаолиятини кўлга олишлари зарур. Шу мақсадда тармоқ ва бирлашма кенгашлари раисларига бошланғич ташилотлар эътиборини спортнинг оммавийлигини оширишга қаратилган ишларни ташкил этиш, корхоналарда ҳодимлар гимнастикаси тадбирлари ўтказилишини тарғиб этиш, умумхалқ байрамларида ҳодимлар ўртасида спорт мусобақалари уюштириш вазифаси юклатилди.

ФИДОЙИЛИК – АСОСИЙ ШИОРИМИЗ БЎЛСИН!

Маънавият таъкидландики, кейинги икки йилда қанча уюшмалари тизимда янги санаторий ва дам олиш уйлари қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш йўналишида мисли кўрилмаган ишлар амалга оширила бошланди. Бу борада илгаригига нисбатан бир неча баробар кўп маблағлар жалб этилмоқда. Бир қатор санаторийларимиз бугун дунёдаги аналогларидан қолшмайдиган шароитларга эга бўлди. Ҳўш, бу маблағлар қайси манбалардан келиб тушмоқда, улар қаерга ва қандай мақсадлар учун сарфланмоқда, уларни сарфлашда тежамкорликка эришилмоқдами?

Айни шу саволлар Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 2018 йилдаги молиявий ҳисоботида ўз аксини топди. Йиғилишда Федерация бундан буён молиявий ҳисоботни барча ҳудудий ва тармоқ қасаба уюшмаларига ҳам тақдим этиш амалиётини жорий этиш тақлиф қилинди.

Муҳокама қилинган давомда қурилиш, реконструкция, мукамал ва жорий таъмирлаш уюшмалари акратилаётган маблағларнинг сарфланиши жиддий таҳлил қилиб чиқилди. Бу борада лойиҳалаш бюроси олиб бораётган ишларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Шу билан бирга, лойиҳалаш ва қурилиш ишларининг муносиблигига эришиш, лойиҳадан чекиниш ҳолатлари учун Капитал қурилиш бошқармаси фаолияти кескин танқид қилинди. Маъруза йўналишида ишларни қатъий тартибга сойиш бўйича Назорат таълим комиссияси, Молия ва Иқтисодий суғурта бўлимига тегишли топшириқлар берилди.

– Тизимда амалга оширилаётган жиддий лойиҳалар юртимизда кечаётган давримизнинг беқисс бунёдкорлик шухутига ҳамоҳан эканидан фахрланамиз, албатта, – деди Федерация раиси йиғилиш сўнгида. – Шундай экан, юрт равнаки, халқ манфаати ва оёна Ванганимиз нуфузига хизмат қилувчи эзгу ишларда ҳар бир лойиҳачи чин юракдан, фидойилик билан ёндашайлик. Бу ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Ўз мухбиримиз

«ЮКСАЛИШ»ДА ҲАҚИҚИЙ ЮКСАЛИШ

– Президентимиз бизнинг маҳаллага ҳам келди, – дейди шаҳарнинг «Юксалиш» маҳалласидаги янги қурилган кўпқаватли хонадонлардан бирига яқиндагина кўчиб қирган Назира Олимжонова. – Авваллари мазкур ҳудуд эътибордан четда қолган чекка, ташландик эди. Ҳозир эса шаҳар ичидаги шаҳарга айланмоқда. Ўтган йили 7 қаватли хонадонлардан 14 таси қад ростлаган бўлса, бу йил уйлар сони 14 тага етказилди. Шунингдек, бола-

лар учун эса «Библиобус» ҳам ўзига хос ечим.

ҚАДИМ КЕНТ ҚУЁШИ ЯНА ПОРЛАГАЙ

– Инсоният тараққиёт чўққисига юксалгани сари ўтмишнинг сир-асрорини билишга, аجدодларининг ҳаёт тарзини ўрганиб, муваффақиятлар сирини тақдорлашга интилади, – дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари қасаба уюшмаси Тўрақўрғон тумани кенгаши раиси Муҳаммаджон Рустамов. – Бизнинг Аҳсиқент ҳам ана шундай кўпчиликни қизиқтирувчи масканлардан ҳи-

дават унитар корхонаси ташкил этилди.

Президентга Аҳсиқент мажмуа бош режаси, унинг тадқиқот олиб борилган объектлари, ҳудудда барпо этиладиган туристик мажмуа лойиҳаси ҳақида маълумот берилди. Унга кўра, бу ерда музей ташкил этилади. Аҳсиқентнинг қадимий довуғини тиклаш мақсадида рамзий дарвоза қурилади. Умаршайх Мирзо ва Бобурнинг Камолиддин Бехзод чизган суратлари асосида уларнинг ҳайкали бунёд этилади. Сайёҳлар учун Сирдарё бўйлаб қайиқларда сайр қилиш, туяда кўхна шаҳарни

Ишончга йўғрилган орзулар ушалмоқда

лар боғчаси, мактаб қурилишини ҳам шу йил охирига қадар тугалашар экан. Мени янада қувонтиргани, ҳудудимизда кичик санатор зонасининг барпо этилиши бўлди. Чунки уйингга яқин жойда, ошқича чиқимларсиз ишлашга нима етсин! Эътибор қилган бўлсангиз, ривожланган мамлакатларда шундай: улар яшаш учун инфратузилмага ақинроқ бўлишни эмас, ўз турар жойлари атрофида шароит яратишни одат қилишган. «Юксалиш»имизда ҳам худди шундай бўлмоқда: ўз корхоналаримиз, базоримиз, мактаб, боғча, поликлиникамиз бўлади. Аслида, шу эмасми яхши яшаш дегани!

ЭИ ТАРАЛАДИ ҲАР БИР ИНСОНДАН

– Умиримни инсонларга маънавият бахш этишга, болаларни китобга ошно этишга бағишлаганман. Шунинг учунми ташриф давомиди маънавий тақдимотлар менда кўпроқ қизиқиш уйғотди, – дейди халқ таълими аълочиси Матлуба Садриддинова. – Қўлида китоб тутган одамдан зиё таралади, ундан ёмонлик чиқмайди. Чуст шаҳридаги давлат ихтисослашган мактабда фаолият юритаман, ўқувчиларимни вилоятдаги «Нодира» кутубхонасига олиб бери турардим. Аммо тан олиб айтиш керакки, китобларнинг сақланиш ҳолати, моддий-техник имкониятлар кишига кўрсатилган маънавий ҳазинага кўра кўпроқ муҳим бўлади. Президент топшириғига мувофиқ 2017 йилда Аҳсиқент тарихий ёдгорлигини асраб-авайлаш ва тадқиқ этиш, унинг ҳаққоний тарихини яратиш бўйича улкан ишлар бошланди. «Аҳсиқент» археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш дирекцияси»

томоша қилиш имконияти яратилади. Зарур инфратузилма, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари қурилиб, Аҳсиқент туризм манзилга айлантирилади. Шавкат Мирзиёев мажмуада қадимий тарихимизни тарғиб қилувчи фестивал ўтказиш, Наманган давлат университетиди археология таълим йўналишларини очиб бўйича тавсиялар берди. Тарихий тарихий объектларда ўқитиш, мактаб ва университетдаги амалий машғулотлар ва дарсларнинг айримларини шу ерда ўтиш зарурлигини таъкидлади. Бунга тарихий жонли, англаб, ҳис қилиб ўрганиш дейилади. Тарихимизни шу йўсинда ўрганган тадқиқотчилар кўхна сирларни яшириб ётган заминимиз бағриддан яна не-не топилаётган кашф этгуси. Тарих тақдорлардан иборат, деган ҳикмат рост бўлса, бу кашфиётлар ҳам янги тараққиёт тўлқинларини юзига чиқаришимизда, туризмни ривожлантириб, дунё аҳли эътиборини ўзимизга қаратишда, шубҳасиз, қўл келади.

томоша қилиш имконияти яратилади. Зарур инфратузилма, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари қурилиб, Аҳсиқент туризм манзилга айлантирилади.


Шавкат Мирзиёев мажмуада қадимий тарихимизни тарғиб қилувчи фестивал ўтказиш, Наманган давлат университетиди археология таълим йўналишларини очиб бўйича тавсиялар берди. Тарихий тарихий объектларда ўқитиш, мактаб ва университетдаги амалий машғулотлар ва дарсларнинг айримларини шу ерда ўтиш зарурлигини таъкидлади. Бунга тарихий жонли, англаб, ҳис қилиб ўрганиш дейилади. Тарихимизни шу йўсинда ўрганган тадқиқотчилар кўхна сирларни яшириб ётган заминимиз бағриддан яна не-не топилаётган кашф этгуси. Тарих тақдорлардан иборат, деган ҳикмат рост бўлса, бу кашфиётлар ҳам янги тараққиёт тўлқинларини юзига чиқаришимизда, туризмни ривожлантириб, дунё аҳли эътиборини ўзимизга қаратишда, шубҳасиз, қўл келади.

Халқ орасида «Президент одамлар билан юзма-юз гаплашди!», «Дўхоналаримиздаги нархларни ҳам гапирди-а?», «Янги корхоналар қуриларкан...» тарздаги муҳокама, умидли сўхбатлар тез-тез қулоққа чалинмоқда. Энг муҳими бу сўхбатлар ёруғ, нури манзилларнинг бугундан бошланаётганига ишонч билан йўғрилган.

Дилдора РАҲМОНОВА «Ishonch»



Неъматилла Қосимовни кўпчилик ўз фикрига эгаллиги, тўғрисиқлиги, курашчанлиги, айна пайтда атрофдагиларга меҳрибонлиги, муруватлилик хислатлари учун чуқур ҳурмат қилади. Ҳар қандай шароитда ҳам у ўзи ҳақ деб билган фикрини айтишдан ва тўғри деб ҳисоблаган ишини амалга оширишдан чўчимайди.



Очиғи, комбинатдаги иши ўта оғир ва машаққатли эди. Ҳар кун камидан бир эшелон, яъни 1200 тонна майда кўмир келар, у транспортёр лентасида 30 метр баландиқка чиқарилар, цехда ишловчи чилангарлар чорак соатда қоп-қора мўндига айланарди. Ҳар кун шу аҳвол. Ёш ишчи эса уйга келганда ота-онасини тулдга ўтириб ёзувчи билан шуғулланаман, деб юпатишга мажбур бўларди. Шу тариқа кун

Н.Қосимов қаерда ва қандай лавозимда ишлагани, айнан санатор корхоналарини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўлишига интилади.

Хусусан, «Ўртаосиекимматмирқурилишмонтаж» трести Неъматилла ака учун ҳақиқий ҳаёт, фаолият мактабига айланди. Ушбу йирик ташкилотда ўн икки йил меҳнат қилди. Айнан шу даврда Марказий Осиёдаги кимё саноатида тегишли корхоналар қошида, жумладан, Чирчиқ, Самарқанд, Фарғона, Навоий, Олмалиқ, Чимкент, Жамбул, Вахшда ҳар бири 2-3 млн. рублга тенг санатор базалари ишга туширилди, кўпчилик йўналишларда таъмирлаш ишлари механизациялаштирилди. Натижада таъмирлаш мუдатлари қисқарди, корхоналарда маҳсулот

кинчи даражага тушиб қолганди. Янги раҳбар бу ҳолат билан чиқишолмади. Республика қасаба уюшмалари кенгаши раҳбари олдига ўз талабларини қўйди ва уни бунга қўндира олди. Натижада марказий идорада ҳам, тармоқ ташкилотда ҳам ҳар бир ходимнинг шуғулланадиган вазифаси аниқ бўлди ва бу иш самардорлигига ижобий таъсир кўрсатди. Тармоқ тизимидаги корхоналарда ишловчи ходимларнинг ижтимоий ҳимояси, соғлигини мустаҳкамлаш, бошланғич ташилотларни жонлантириш борасида сезиларли сиришга эришилди.

Мустақил Ўзбекистоннинг тикланиш даврида кечган раҳбарлик фаолияти давомидида Неъматилла Қосимов тармоқ қасаба уюшмасининг халқаро

рижий алоқаларни ривожлантиришга амалий ёрдам берди. Қасабақум раислари, аппарат ходимлари (жами 19 нафар) Франция, Туркия, АҚШ, Болгария, Германия давлатларида ўтказилган ўқув машғулотларида қатнашди. Аҳамиятлиси, бунга кетган сарф-ҳаражатлар халқаро ташилотлар томонидан қопланди.

Неъматилла ака қасаба уюшмалари тизимидаги фаолияти даврида меҳнат-қашларга хизмат қилувчи кўплаб иншоотлар қурилишига ташкилотчилик қилди. Жумладан, Чирчиқ электромимё комбинатининг маданият саройи таъмирланиши, Оқтошда санаторий, Чимёнда пансионат қурилиши бевоқифа у кишининг саъй-ҳаракати эвазига амалга оширилди.

Қаерда ишлагани, бу инсон ҳамини халоллик, адолат, одамларга наф келтиришни асосий бурчи деб билди. Неъматилла Қосимов мамлакатимиз қасаба уюшмаларининг бугунги ҳаёти билан ҳам мунтазам қизиқиб борарди.

– Қасаба уюшмалари фаолиятидаги ўзгаришлар тизимда янги давр бошланганидан далолат беради, – дейди у. – Давлатимиз раҳбарининг халқимиз турмуш даражасини ошириш, ижтимоий аҳволини яхшилаш борасидаги эзгу ташаббусларига қасаба уюшмалари «лаббай» деб жавоб қайтарартир. Кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишларида етакчилик қилиш, мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига қарши кураш, халқаро даражадаги турдош ташилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш сингари жиддий қадамларни ҳақли равишда эътироф этмас арзийди. Айни пайтда қасаба уюшмалари наشري бўлмиш «Ishonch»

Қасаба уюшма фидойилари

газетаси ҳам мен учун қадрдон. Чунки газетани ташкил қилиш комиссияси аъзоси бўлганман ва уни бугун ҳам ўта талабчанлик билан кузатиб бораман. Қасаба уюшмалари тизимидаги янгиликлар билан айнан «Ishonch» орқали танишаман. Айниқса, газетанинг овози тобора дадил янграётгани мени хурсанд қилмоқда.

Доимо ҳаракатга ўрганган Неъматилла ака пенсияга чиққандан сўнг ҳам тиниб-тиничиб ўтиролмади. Бир мўдат ўзи ашайдиган Миробод туманидаги Шароф Рашидов номидаги МФЙ раиси, 2004-2010 йилларда эса Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг Миробод тумани кенгаши раиси ўринбосари, биринчи ўринбосари, 2011-2018 йилларда «Феруз сервис» МЧЖ раҳбари лавозимларида ишлади. Ушбу вазифаларда ҳам у киши бор кучини халққа фойда келтиришга, мамлакат ривожига ҳисса қўлишига сарфлади.

Табаррук саксон ёшини қарши олаётган Неъматилла Қосимов ҳаётда ҳам пири бадавлат инсон. Турмуш ўртоғи Карима опа билан тўрт қизни оқ ювиб-оқ тараб ўстирди. Ҳаётда ўз ўринларини топишга ёрдам берди. Улар ҳам яхши оила бекалари бўлишди, ўз танлаган касбларида ишлаб, жамиятга фойда келтиришяпти. Бугунги кунда неваралари ҳам муносиб издош бўлиб етишмоқда. Хусусан, энг катта набираси олима – фан доктори, бири авиация, яна бири темир йўл соҳасида муҳандис, 2 нафари Москвада халқаро ташилотларда фаолият юритмоқда. Энг кенжаси эса яқинда Хитойдаги университетлардан бирига имтиҳонларни аъло даражада топширди.

Сирасини айтганда, Неъматилла ака бутун ҳаётидан, тақдирдан мамнун. Чунки 63 йиллик меҳнат фаолияти ҳам, оилавий ҳаёти ҳам бошқаларга ўрнатилган бўларди. Маъмули умр деганлари шу бўлса керак-да.



Тўлқин ШЕРНАЕВ «Ishonch»

Ҳикмат

Ишлаган одам ҳамини навқирон. Баъзан менга шундай туюладики, эҳтимол, меҳнат ҳаёт қувватини оширадиган қандайдир махсус гармонларни ишлаб чиқараётган бўлиши ҳам мумкин.
Н. БУРДЕНКО

Меҳнат улуғлаган инсон

кетидан кун ўтди. Бу орада Тошкент политехника институтининг (ҳозирги Техника университети) Чирчиқда кечки бўлими очилди ва Неъматилла кимё технология факультетига ўқишга кирди. Шундан сўнг аппаратчи вазифасига ўтказилди.

Меҳнатқашлиги ва жавобгарлик ҳиссининг юқорилиги ёш мутахассиснинг барча қийинчиликларни енгиб ўтиб, пешқадим ходим сифатида ўзини кўрсатишига ёрдам берди. Тўртинчи курсда ўқиётганида унга смена бошлиғи вазифаси ишончи топширилди.

Одамларга ўзининг тан олдириши осонмас. Неъматилла бу борада тажрибали инсонлардан маслаҳат, кўмак олишдан тортинмади, ҳар бир ишни амалга оширишда қатъиятлик, принципалликка суянди. Саъй-ҳаракатлар безиз кетмади. У бошқарган смена комбинат бўйича ўтказилган мусобақаларда йилга 9-10 мартааб биринчи ўринга сазовор бўлди. Ўзи эса собиқ Иттифоқ ёшлар слётида бир неча бор қатнашди.

ишлаб чиқариш ҳажми ошди. Кимё корхоналарининг техника, асбоб-ускунага бўлган эътиборини қоплаш мақсадида Тошкент шаҳрининг Сергели туманида майдони 4,5 гектарга тенг, иккаригача поезд йўли қиритилган база ишга туширилди. Миробод туманида 7 қаватли, 5 та фин лифти ўрнатилган трест биноси бунёд этилди. Н.Қосимовнинг ташаббуси билан 7 корхонанинг 5 йиллик ривожланиш режаси тасдиқланди, амалиёти таъминланди.

Н.Қосимов 1986 йили Республика кимё саноати ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кўмитаси раиси этиб сайланди. Кимё тармоғидаги кўп йиллик тажрибаси, соҳанинг «иссиқ-сувуғидан» яхши хабардорлиги, энг муҳими, тизимдаги меҳнат жамоаларининг дард-у ташвишларини ичдан билиши Неъматилла акага бу лавозимда самарали ишлашга кўмак берди. Уша пайтларда қасаба уюшмаларида вазифаларнинг асоссиз тақсимоти, ортиқча қозғозбозлик боис амалий ишлар ик-

алоқаларини ривожлантиришга эътибор қаратди. Тармоқ қасаба уюшмаси Марказий кўмитаси ва Қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан бир қанча мамлакатларга, жумладан, АҚШ, Болгария, Гана, Исроил, Туркия, Сурия, Германия давлатларига юборилган делегацияларга раҳбар, Япония, Германия (иккинчи бор), Хитойга борган делегацияларнинг аъзоси бўлди. Сафарлар баҳона қасаба уюшмалари соҳасига оид дунёвий тажрибани ўрганиш, илгор жиҳатларни фаолиятга татиқ этиш пайида бўлди. Сабаби, мамлакат қасаба уюшмаларининг фаолиятини янгича шароитга мослаштириш, меҳнат ҳимояси борасидаги ишларни халқаро талаблар даражасида ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга эди.

Уша даврлардаги Халқаро қасаба уюшмалари ташкилотининг бош қотиби Виктор Торп Ўзбекистонда бўлганида, тармоқ қасаба уюшмаси ишлари билан танишиб, Марказий кўмита билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатди, хо-

41

ИЧАН ҚАЛЪА АСЛИДЕК САҚЛАНДИ

Маданият вазирлиги матбуот котиби Мавлуда Асқархўжаеванинг таъкидлашича, кейинги пайтларда «Ичан қалъа аҳолиси кўчирилмиш», деган асосиз гап-сўзлар тарқаб кетди. Аслида Ичан қалъа аҳолиси сўнгги 30 йилда 2-3 баробар кўпайган, бир хонадонда 3-4 оила истиқомат қилишмоқда. Шу боис, ёш оилаларнинг турар жойи шариқларнинг яхшилаш мақсадида уларга Хива шаҳрида янги уйлар қурилиши белгиланган. Ичан қалъанинг тарихийлиги эса сақлаб қолинади. Маҳаллий аҳоли ҳеч қачон кўчирилмайди.

Бунга ОАВ вакиллари хонадонларга кириб, маҳаллий аҳоли билан суҳбатлашиб, уларни ишонч ҳосил қилиши, уларнинг турмуш тарзи билан танишиши.

СИРГА ТҶЛА ТАШРИФЛАР

Ичан қалъага ҳар бир ташриф ўзига хослик касб этади. Биринчи, ўинчи, йигирманчи бор келатган сайёҳ ҳам янгилик билан рўбарў бўлади, янги мўъжизалар кашф этади. Айниқса, кейинги йилларда туризмни ривожлантиришга қаратилган эътибор натижасида Ичан қалъадаги маданий мерос объектларини сақлаш, экспонатлар жойлашуви, сайёҳларга хизмат кўрсатиш борасида фаолиятга янги қадамлар қўйилди.

Бу ерда энг қадимги осори атиқалар, араблар юришидан олдинги Хоразм ёзуви туширилган тангалар, Хива хонлари хонадонларида фойдаланилган буюмлар, кийим-кечаклар, заргарлик маҳсулотлари, қўлёзмалар жамланган. Улар бизга қадим ва ақин ўтмиши-миздан сўзлаб беради.

ЎТМИШ АКС САДОСИ

Кейинги икки йилда «Хива дунёдаги энг кўҳна қалъа», «Хива хонлиги давлат бошқарув тарихидан» каби бир неча китоблар испан, француз, италян ва немис тилларида, «Хива – қадимги Хоразмнинг маркази» номли китоб-альбомлар, «Путешествие в Хорезм», «Хоразм – Буюк Ипак йўли чорраҳасидаги ўлка» номли янги экскурсия матнлари тайёрланди. Япония Ахборот технологиялари университети билан ҳамкорликда «Хива шаҳри ўтмишида ва ҳозирда» деб номланган китоб япон ва инглиз тилларида Японияда нашр қилинди.

Музей-қўриқхона жамоаси халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш орқали сайёҳлар оқимини кенгайтириш, экспонатларнинг

умрбоқийлигини таъминлаш, тарихимизнинг ўрганилмаган қирраларини кашф этиш чораларини кўрмоқдалар. Япониянинг Киото университети билан ҳамкорликда Хива хонлиги қози ҳужжатларини ўрганиш, хорижий тилларга таржима қилиб, каталог чоп қилиш, Венадаги Эроншунослик институти олимлари билан вақф ҳужжатларини ўрганиш устида иш олиб борилмоқда.

АУДИОГИД ВА ВИРТУАЛ САЁХАТ

Музей-қўриқхонада республикамизда биринчилардан бўлиб аудиогид хизмати

ОЧИҚ ОСМОН ОСТИДАГИ МУЗЕЙ ШАҲАР Сайёҳларни қандай мўъжизалар кутмоқда?



мон уйларига ташриф буюрдилар. Маҳаллий аҳоли билан суҳбатлашдилар.

– Биз бир хонадонда акамнинг оиласи билан бирга яшаб келатган эдик, – дейди Фаррух Жуманиёзов. – Акам Хива шаҳрида барпо этилаётган намунали уйга кўчиб ўтмоқда. Мен хонадонимизда меҳмон уйи ташкил қилишни режалаштирялман. Меҳмон уйимиз миллий руҳда безатилади, оиламиз шаҳараси тарихи ҳақида кўргазмалар ташкил қилинади. Номини ҳам шунга мос қилиб қўйиш ҳақида ўйляялман. Бизникига ташриф буюрган сайёҳ Хоразм халқи урф-одатлари, анъаналари, таомлари, яшаш тарзи тўғрисида тўлиқ таасуротга эга бўлишини истайман. Ичан қалъада яшаш бизга ғурур бағишлабгина қолмай, зиммамизга масъулият ҳам юклайди. Буни доим ҳис қиламиз.

Дарвоқе, бу ерда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 29-30 ноябрь кунлари Хоразм вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлари асосида «Қадимий Хоразм тарихи», «Хоразмшоҳлар» ва «Хоразм давлати хонлари» музей экспозицияларини яратиш устида қизғин иш олиб борилмоқда. Бунда бой тарихимизни бир неча даврларга бўлиб, муҳим даврлар ва воқеалар

лар, шоҳлар ва хонлар ҳаётининг ўзига хос ноёб қизиқарли жиҳатларини кенг ёритиб берувчи тақдирот хоналари (showroom), ойнаванд экспозицияларнинг ташкил этилиши кўзда тутилган.

ОИЛАВИЙ МЕҲМОН УЙЛАРИДА

Журналистлар музей-қўриқхонада бу йил Херман Вамбери номидаги, маълум муддат Хоразмда яшаган немис халқи ҳаётига бағишланган, шунингдек, халқ таботати музейлари ташкил қилинишидан хабардор бўлдилар, Ичан қалъадаги оилавий меҳ-

лоҳотлар ўтказган Исломуҳжанинг чева-раси Чиннимомо билан ҳам суҳбатлашиб, дуоларини олдим, – дейди блогер журналист Нигора Умарова. – Маданият вазирлиги биз журналистларга интернет тармоғида ва бошқа ОАВлардаги шов-шувли хабарларнинг тўғри-нотўғрилигини таҳлил қилиш имконини берди. Хоразм тарихи билан янада ақиндан таншиб, унинг ўзига хослигини дунё ҳамжамиятига етказиш билан боғлиқ янги режалар белгиландим. Биз бу билан мамлакатимизга ташриф буюрувчи сайёҳлар оқимининг янада кўпайишига ҳисса қўшамиз.

РЕЖАЛАР ЯНАДА БИСЁР

ОАВ вакиллари Саид Аловиддин пир, Паҳлавон Маҳмуд, Саид Моҳирўйи макон хобгоҳи, Иброҳимўжа ва Исломуҳжа, Муҳаммад Раҳимхон Феруз соний мақбараларини зиёрат қилишди. Дишан қалъа бўйлаб саёҳат, Нуриллабой саройи билан танишувлар ҳам барчада катта таассурот қолдирди.

Икки кунлик сафар якунидаги матбуот анжумани савол-жавобларга бой бўлди. Боиси, синчков ҳамкасбларимиз жорий қилинган янгиликлар билан бир қаторда айрим эскича ёндашувларни ҳам эътибордан четда қолдиришмаган эди. Ичан қалъага қайси даврлардан кўпроқ сайёҳлар ташриф буюрмоқда? Экскурсоводлар кўп тилларни билишадими? Кўрсаткичлар кам эмасми? Хиванинг туристик бренди борми? Маданий мерос объектларини муҳофазат қилиш учун қандай чоралар кўрилмоқда? Зиёрат туризмни ривожлантириш учун нималар қилинапти? Интернет тармоғида Хоразм ҳақида маълумотлар етарлими? Қандай маданий тадбирлар уюштирилмоқда? Сайёҳлар бирон муаммога дуч келишса, кимга мурожаат қилишади?

Саволлар кетма-кетлиги ниҳоятда кенг ва ранг-баранг бўлди. Хоразм вилояти ҳокими ўринбосари Темур Давлетов ва бошқа мутаассадилар уларга батафсил жавоб қайтаришга ҳаракат қилишди. Маълумотларга кўра, бу йил Хивада рақс сеҳри, қовун сайли анъанавий фестиваллари билан бирга «Дунёнинг энг кучли одами» фестивалини ўтказиш, Туркия билан ҳамкорликда Наҳиддин Билал Эрдўган иштирокิดа камонбозлик мусобақалари ташкил қилиш, Огаҳий ҳазратларининг 210 йиллигини нишонлаш ва китобларини чоп қилиш, Карвонсаройда Шарқ бозори ташкил қилиш ва бошқа кўп қабил тадбирларни амалга ошириш белгиланган. Демак, Хива сайёҳлар нигоҳини ўзига қаратишда давом этади.

Дарвоқе, шу кун ОАВ вакиллари биринчилардан бўлиб яқинда яратилган Хоразмнинг туристик паспортини кўришга муваффақ бўлдилар. Бу ҳужжат сайёҳларга вилоят тўғрисида тўла тасаввурга эга бўлиш имконини беради.

Муҳаббат ТҶРАБОЕВА «Ishonch»



Баъзан бирор ходимга «Танлов ёки мусобақада иштирок этинг!» деган таклифни берсангиз, биринчи саволи «Қандай ҳужжатлар керак?» ёки «Қанақа саволлар берилди?» эмас, «Ишқилиб, ҳаммаси ҳаққоний бўладими?» деган гап бўлади. Бу ҳолатга фаолиятим давомида жуда кўп бор дуч келганман. Чунки кўрик-танловларимизда баҳолаш мезони бевосита шахснинг ўзини намоздан этишига эмас, балки тўплаган ҳужжатларининг сони ва бус-бутунлигига қаратилади.

Ҳужжат муҳимми ёки иқтидор?

Ақсарият танловларга хос яна бир камчилик борки, у ҳам бўлса ҳакамлар ҳайъати таркибини аниқлаштириш билан боғлиқ. Энг ёмони, ҳакамлар танлов нигоҳи билан олдиндан таништирилмайди, бу эса, табиийки, иштирокчиларни баҳолашда ноҳолислик юзага чиқишига сабаб бўлади.

Ҳеч едимдан чиқмайди: бундан тўрт ёки беш йил олдин Хотин-қизлар кўмитаси «Энг намунали оила» танловини ўтказган эди. Унда бир неча оила қатнашди. Улардан бири жуда кўпчилигининг олқишига сазовор бўлди. Сабаби – мазкур оиланинг бунёд бўлишидан то фарзандларини ўқитиб, элда ўринли қилгунига қадар бўлган жараён садоқат ва қаноат дарсини ўрганиш, одамларнинг ҳавасини келтирадиган тотувлик сирини кашф этиш мумкин эди. Оила боши йиллик даври – ҳарбий хизматдалиқ чоғида кўриш имкониятидан маҳрум бўлади. Севгилиси эса шунда ҳам аҳдида содиқ қолиб, у билан турмуш куради. Ерига далда бўлиб, унинг касб эгаллаши, муваффақиятли тадбиркор бўлишига туртки беради. Фарзандлари ҳам ўқимишли, илмда ўз ўрнини топган ешлар бўлиб етишади.

Аммо, не ажабки, ҳакамлар ҳайъати «Вилоятда соғлом одам йўқмиди, деган эътирозга қолмасмиканми?» деган андишада республикада вилоят шарафини ҳимоя қилишни аввал ҳам бир қанча танловлар ёлиби бўлган бошқа аёлга топширди. Ваҳоланки, унинг айнан бу галги чиқиши айтирли мақтовли эмас, бироқ тўплаган ҳужжатлари ётиқдек эди.

Танловлар қайси йўналишда бўлишидан қатъи назар, нимагадир ҳакамлар иштирокчилар орасида ўзини саҳнада эркин тута оладиган, бадий чиқишлари яхши, соддароқ айтганда, «шоу» ташкиллаштира олувчиларга юқори баҳо беришади. Бироқ усти ялтироқ ёнғоқнинг мағзи ҳаммиша ҳам тўқ бўлавермайди-ку!

Танлов ташкил этиб, номи ва обрўсини яна бир бор ОАВ ва одамлар орасида кўтаришни ўйлаётган ташкилотларга айтир гапимиз: ишингиз ҳаққоний, мезонларингиз адолатли бўлсин! Акс ҳолда, ёш кадрларнинг ўз устида ишлаш иштиёқини сундириб қўясиз. Чунки улар жуда яхши билишади: шу пайтгача билимилар эмас, саҳнада ўзига жалб қила олиш маҳорати борлар ёлиб бўлишган. Одамлардан кўра жилд-жилд ҳужжатларга юқори балл берилган. Энди бу қолипдан воз кечиш вақти етди.

Раъно ИНАТУЛЛАЕВА, Чортоқ тиббиёт коллежи касабани уюшма кўмитаси раиси

Ҳикмат



Мен қадимги донишмандларнинг ўз асарларида бизга қолдириб кетган ақл дурдоналарини кўздан кечираман; агарки биз уларда нимадир яхши бир нарсага дуч келсак, уни ўзлаштириб оламиз ва жуда катта фойда орттирган ҳисобланамиз.

СУҚРОТ



Фойдали маълумот: Қулоқчинлардан бир кунда бир соатдан ортқроқ фойдаланмаган маъқул. Шунда ҳам максимал товуш баландлиги 60 фоиздан кам бўлиши керак.

МЕЪЁРИДАН ОШСА...

Аслида, қулоқчинлар – ажойиб ихтиро. У билан уйда, ишда ёки кўча-қўйда ҳеч кимга ҳалақат бермасдан мусиқа эшитиш, ташқи муҳитдан холи бўлиш мумкин. Шунингдек, уяли телефондан келатган радиация нурларидан сақланиш ҳам мумкин.

Натаниел Болдуин 1910 йилда ошхонада ўтирган жойида бошқаларга ҳалақат қилмай мусиқа тинглаш мақсадида яратган ушбу мосламанинг бу даражада оммалашини эҳтимол ўйламагандир. Бугун унга муксақидан кетганлар ён-атрофда шу даражада кўп...

– Муттасил баланд товуш нафақат эшитиш органига, балки асаб тизимларига ҳам ёмон таъсир кўрсатиши тайин, – дейди тиббиёт фанлари номзоди, отоларинголог, «Log-

servis» маркази директори Улуғбек Муҳиддинов, – Товуш босими даражаси децибелларда ўлчанади. 10 децибелдан 30 децибелгача бўлган товуш кучи одам қулоғининг нормал эшитишини таъминлайди. Қулоқчинларда эса товуш 70-90 децибелдан 110 децибелгача оралиқдаги тўқинларда узатилади. Бу мия фаолиятига, кўриш органига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Бундай пайтда уларга «акустик жароҳатланиш» деган ташхис қўйилади. Бу мосламадан муттасил фойдаланиш туфайли қулоқ ҳужайралари аста-секин нобуд бўла бошлайди, уларни кейинчалик умуман тиклаб бўлмайди. Асаб толалари эса ўртача 30 мингтани ташкил этиб, жуда баланд товушда 25 фоизи ҳалок бўлади. Толаларнинг ярмидан кўпи ҳалок бўлса, инсон кар бўлиб қолиши ҳам мумкин.

ҚУЛОҒИНГИЗ ТОМ БИТГАНМИ? Ёхуд кичик техниканинг катта таҳдиди

БИР ТАНДА ИККИ ОДАМ

Шу ўринда россиялик таниқли шифокор, отоларинголог-сурдолог Константин Кондранинг тажрибасига назар солсак. У қулоқчинлар тақиб олган инсон бир вақтда икки ҳолатда бўлишини таъкидлайди: унинг танаси – ҳақиқий дунёда, энг муҳим сезги органларидан бири эшитиш эса – виртуал дунёда. Мана шундай иккига ажралишда мия атрофини тўғри қабул қила олмаслиги оқибатида жиззакилик ва эътиборсизлик, қон босими ошиши, бош оғриғи келиб чиқади.

Россия Фанлар академияси академиги И. Солдатов эса қулоқ шовқинини даражаларга ажратиб, охириги шовқин босқинида беморнинг доимо безовта бўлиб, иш қобилияти деярли йўқолишини айтади.

ТИННИТУС ҲАҚИДА ЭШИТГАНМИСИЗ?

Қулоқчинлар воситасида баланд овозда мусиқа тинглаш билан боғлиқ хавфли касалликлардан бири тиннитус (қулоқларда шовқин ёки шанғиллаш эшитилиши ҳисси) дир. Турли маълумотларга кўра, дунё аҳоли-

сининг бешдан саккиз фоизгача қисми бу хасталик билан яшайди. Европа ва Шимолий Америкада ўтказилган тадқиқотлар, дунёда катталарнинг 1/3 қисми камида бир марта қулоқ шанғиллашини бошдан кечирган, деб кўрсатди. Бу хасталикка чалинган беморларнинг 85 фоизда эшитишни йўқотиш қайд қилинганлиги маълум.

ОҚИБАТДА...

Энди ижтимоий тармоқлар орқали тарқалган қуйидаги маълумотларга эътибор қаратинг:

«2019 йил 5 январь кун соат 13:45 да Нукус шаҳри ҳудудидан ўтувчи «Хўжайли-Нукус» темир йўлининг 2-пакети 699-километрида «Саратов-Ургенч-Тошкент» йўловчи таъувчи поездини тўртинчи келатган тепловози темир йўл релсининг ўртасида қулоғига қулоқчин таққан, Нукус шаҳрида яшовчи 2002 йилда туғилган Р.Д.ни босиб кетган. Оқибатда, Р.Д. воқеа жойида вафот этган».

«2018 йил 18 июль, чоршанба кун Андижон вилоятининг Избоскан туманида

воёга етмаган ўсимир билан боғлиқ фожиа юз берди. Туман ҳудудида поезид темир йўл релсида ўтирган болани босиб ўтиб кетган. Гувоҳларнинг айтишича, ўсимирнинг қулоғида қулоқчин бўлган...»

НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?

Ёшлар орасида қулоқчин тақиб урфга айланаётган экан, бундай аянчли ҳолатларнинг камайишига ҳеч ким қафолат бера олмайди. Аммо ҳар бир муаммонинг ечими бўлади, албатта. Ҳўш, нима қилмоқ керак?

Аввало, барча таълим масканларида қулоқчинларни ишлатиш меъёрлари тўғри тушунтирилиши зарур. Сўнгра маълум йўлларда «Қулоқчин ишлатиш мумкин эмас!» ёзувини қўйиб, шундай ҳолатлар содир бўлганда чоралар кўрилиши керак.

Айтмоқчи бўлганимиз шуки, тараққиёт ютуқларидан тўғри фойдаланайлик.

Озода РЎЗИҚУЛОВА «Ishonch»



МУАССИС:



2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар: Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69 Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89 Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79 Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43 Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

Манзилмиз: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва сақланади.

«Shang» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:

2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЗД: 58130

Ҳудудлардаги муҳбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22 Андижон – (+998-99) 889-90-23 Жиззах – (+998-99) 889-90-25 Наманган – (+998-99) 889-98-02 Намой – (+998-99) 537-61-76 Самарқанд – (+998-99) 889-90-26 Сирдарё – (+998-99) 889-98-55 Сурхондарё – (+998-99) 233-69-07 Фарғона – (+998-99) 889-90-24 Хоразм – (+998-99) 889-98-01 Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтани назардан фарқлангани мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

Т. Шернаев Мусаҳҳиш: С. Шодиева Саҳифаловчи: Ҳ. Абдужалилов ЎзА яқини – 21:30 Топширилди – 22:20 Газета офиси ўсулиди, А-2 фойдаланиш бўлимида. Ҳажми 2 босма табоқ. Буортма Г – 317. 30510 нусхада босилди. Нашр кўрсатиши: 133